



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil “ 7 ” декабр

Қ-1882 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4905-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 3 декабрдаги Қ-663-сонли қарорлари ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4905-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 3 декабрдаги Қ-663-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танлов тўғрисидаги низом;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танловнинг ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танловнинг туман ташкилий қўмитаси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари ўринбосарлари (Н.Алланазаров, З.Хидирова, С.Исаев, Б.Худойбердиев), туман Ички ишлар бўлими (Ў.Шукуров), Миллий гвардия туман бўлими (А.Ортиқов), алоқадор туман ташкилотлари билан биргаликда кўрик-танловнинг сифатли ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Н.Алланазаров, З.Хидирова), туман Мудофаа ишлари бўлими билан биргаликда қисмлар, ҳарбий бўлинмаларга кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг ғолибларини тақдирлашда кўмаклашсин.

6. Вилоят ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида энг яхши касб эгаси унвони учун танловни ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисида” 2004 йил 11 февралдаги Ф-1906-сон фармойиши ҳақида” 2004 йил 18 февралдаги 32-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Н.Жумаева), “Қумкўрган садоси” газетаси (Р.Менгзияева)ларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танловнинг туман ташкилий кўмитаси таркиби томонидан олиб борилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишида кўмаклашиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг
2020 йил " 7 " декабрдаги
5-1582 -сонли қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўз касбининг устаси
унвони учуй кўрик-танловнинг туман ташкилий қўмитаси**

ТАРКИБИ

- 1 Н.Алланазаров - Туман ҳокимининг ўринбосари, харбий-маъмурий сектори раҳбари ўринбосари,
Ташкилий қўмита раҳбари
- 2 Б.Худойбердиев - Туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи,
Ташкилий қўмита раҳбари ўринбосари
- 3 А.Каримов - Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши
раиси
- 4 Ў.Шукуров - Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи
- 5 А.Ортиқов - Миллий гвардия туман бўлими бошлиғи
- 6 Р.Менгзияева - "Қумкўрғон садоси" газетаси бош муҳаррири
- 7 Н.Жумаева - Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати раҳбари

*Туман ҳокимлиги ёшлар сиёсати,
ижтимоий ривожлантириши ва маънавий-
маърифий ишлар бўйича мажмуаси бош
мутахассиси М.Тоштемиров*